

НАРХ-НАВОНИНГ ЎСИШИДАН
КАМ ДАРОМАДЛИ АХОЛИ
АЗИЯТ ЧЕКАДИ



КОРОНАВИРУС: ФУҚАРОЛАРНИ
ЎПАСИГА ТЕСТДАН ЎТКАЗИШ
ВАҚТИ КЕЛМАДИМИКАН?

ОБУНА — 2021



«Ўзбекистон овози»
газетасига обуна
давом этмоқда

Мурожаат учун телефонлар:
71 233-65-45, +99891 162-72-81,
71 236-74-33

ОБУНА ИНДЕКСИ — 220



№ 37
2020-йил, 22-октябр
Payshanba (32.632)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-йил 21-iyundan chiqqa boshlagan

Улуғлардан улуғимсан, Ватаним!

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Мухтарам ватандошлар!

Сиз азизларни, сизлар орқали бутун халқимизни бугунги кутлуг айём — Ўзбек тили байрами билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

1989 йил 21 октябрда, гоёт мураккаб ижтимоий-сиёсий шароитда юртимизда «Давлат тили ҳақида»ги қонуннинг қабул қилиниши миллий мустақиллик сари қўйилган муҳим қадам бўлганини барчамиз яхши эслаймиз.

Жамоатчилигимиз, халқимизнинг хоҳиш-истакларини инобатга олиб, ўтган йили ушбу тарихий санани Ўзбек тили байрами куни сифатида белгилаш тўғрисида қонун қабул қилганимиздан ҳаммангиз хабардорсиз. Бугун мамлакатимизда биринчи марта кенг нишонланаётган ана шу байрам маънавий ҳаётимиздан мустаҳкам ва муносиб ўрин олади, деб ишонаман.

Хурматли юртдошлар!

Бугунги кунда биз янги Ўзбекистонни, янги Ренессанс пойдеворини барпо этишдек эзгу мақсадларимизга эришишда, ҳеч шубҳасиз, она тилимизнинг ҳаётбахш қудратига таянамиз.

Чунки, неча асрлар оша аждодларимиздан бизга безавол ўтиб келаётган она тилимизнинг равнақи ва истиқболи ҳақида қайғуриш — бу миллатнинг ўзлигини англаши, унинг маънавий камолотини юксалтириш учун кураш демакдир. Давлат тилининг обрў-эътибори — бутун халқ, бутун жамиятнинг обрў-эътиборидир.

Ҳозирги вақтда ер юзидида ўзбек тилида сўзлашувчилар сони қарийб 50 миллион кишини ташкил этиши унинг дунёдаги йирик тиллардан бирига айланиб бораётганидан далolat беради.

Айни вақтда юртимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элатларнинг маданияти ва урф-одатларини, хусусан, уларнинг она тилларини ривожлантириш учун ҳам зарур шароитлар яратилмоқда. Турли ҳудудларда ташкил этилган 140 га яқин миллий маданият марказлари ана шу мақсадларга хизмат қилмоқда. Қўллаб-таълим-тарбия масканлари, оммавий ахборот воситалари ўзбек тили билан бирга, қорақалпоқ, рус, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман тилларида фаолият кўрсатмоқда. Хорижий тилларга ихтисослашган ҳамда таълим чет тилларда олиб бориладиган таълим муассасалари сони охири бормоқда.

Бугунги кунда хорижий давлатлардаги 65 та олий ўқув юртида ўзбек тили ва адабиёти ўрганилмоқда, ушбу соҳада илмий изланиш ва тадқиқотлар олиб бораётган чет эллик олимлар сафи тобора кенгаймоқда.

Давоми 2-бетда. ➤

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ФАРМОНИ

МАМЛАКАТИМИЗДА ЎЗБЕК ТИЛИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТИЛ СИЁСАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбек тилининг халқимиз ижтимоий ҳаётида ва халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини тубдан ошириш, униб-ўсиб келаётган ёшларимизни ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш, мамлакатимизда давлат тилини тўлақонли жорий этишни таъминлаш, Ўзбекистондаги миллат ва элатларнинг тилларини сақлаш ва ривожлантириш, давлат тили сифатида ўзбек тилини ўрганиш учун шарт-шароитлар яратиш, ўзбек тили ва тил сиёсатини ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари, устувор йўналиш ва вазифаларини ҳамда истиқболдаги босқичларини белгилаш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5850-сон Фармонида мувофиқ:

1. Қуйидагилар:

а) 2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш концепцияси (кейинги ўриларда — Концепция) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин ва унда қуйидагилар назарда тутилсин:

мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча соҳаларида давлат тили имкониятларидан тўлиқ ва тўғри фойдаланишга эришиш;

таълим ташкилотларида давлат тилини ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш, унинг илм-фан тили сифатидаги нуфузини ошириш;

Давоми 2-бетда. ➤

21 ОКТАБРЬ — ЎЗБЕК ТИЛИ БАЙРАМИ КУНИ



МИЛЛАТНИНГ БИРЛИГИ, БАРҲАЁТЛИГИ КЎЗГУСИ

Миллатнинг бирлиги, мавжудлигининг белгиларидан бири она тили барҳаётлигидир. Жорий йилда мамлакатимизда катта тантана, ўзгача шуқуқ, кўтаринкилик билан илк бор нишонланаётган Ўзбек тили байрами тадбирларида бу жиҳатлар яна бир қарра ўз ифодасини топишмоқда.

...Пойтахтимизнинг Алишер Навоий номидаги Миллий боғи. Янада кўркам, файзли ва тароватли қиёфа касб этган, янгиланган Адиллар хиёбони. 21 октябрь куни эрта тонгданон бу ерга ҳамюртларимиз кела бошлади. Улкан мониторда миллий адабиётимиз ривожига хисса қўшган ижодкорлар, шоир ва ёзувчилар, ада-

биётшунос олимларнинг фаолияти, ҳаёти, ижод йўли ҳақида ҳикоя қилувчи лавҳалар намойиш этилмоқда. Янграётган миллий мумтоз кўшиқлар тилимиз жозибасини оҳанглар воситасида ифодаляётгандек. Адабий гурунлар, ижодий суҳбатлар, шеърхонлик авжида. Олтин куз фаслида ушбу сўлим маскан ҳам турфа рангларда янада гўзал кўринишга кирган... Навоий бобомиз, сўз санъати ривожига хисса қўшган бошқа ижодкорларнинг муаззам ҳайкаллари. Она тилимизга бўлган амалий эътибордан уларнинг ҳам руҳи шод бўлаётган эса, не ажаб.

Давоми 2-бетда. ➤

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг саккизинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2020 йил 21 октябр кун Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг саккизинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди.

Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган ялпи мажлисда ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ялпи мажлиси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Нарбаева олиб борди.

Ушбу ялпи мажлис иши Сенатнинг расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари ҳамда «Узрпорт» телеканали орқали тўғридан-тўғри жонли эфирда намойиш этилди.

Сенат аъзолари томонидан 17 та масала, шу жумладан, 4 та қонун муҳокама қилинди.

Дастлаб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси ўринбосарини сайлаш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Конституцион нормага биноан Қорақалпоғистон Республикаси вакили Сенат Раиси ўринбосарларидан бири ҳисобланади. Шу муносабат билан Президентимиз томонидан сенатор Мурат Қаллибекович Камаловни Сенат Раиси ўринбосари лавозимига сайлаш тўғрисида тақдимнома киритилган.

Мурат Камалов 1955 йилда Нукус шаҳрида туғилган. Олий маълумотга эга ҳуқуқшунос сифатида кўп йиллар масъулиятли лавозимларда фаолият юритган.

Жорий йил сентябрь ойида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгесининг депу-

тати этиб, 2 октябр кун Жўқорги Кенгесининг давлатимиз раҳбари иштирокида ўтган навбатдан ташқари саккизинчи сессиясида Жўқорги Кенгес Раиси этиб сайланган.

Мажлисда сенаторлар томонидан М.Камалов номзоди бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Қонун талабларига мувофиқ яширин овоз бериш йўли билан сенатор Мурат Қаллибекович Камалов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси ўринбосари этиб сайланди.

Сўнгра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалаларига оид фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Маълумки, Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ экологик ҳалокат оқибатлари нафақат Ўзбекистон ёки Марказий Осиё минтақаси, балки аллақачон глобал миқёсдаги муаммага айланиб ултурган. Орол масаласига бўлган ёндашув аниқ натижаларга эришиш нўқтаи назаридан тубдан ўзгарди. Қолаверса, давлатимиз раҳбари икки мартаба БМТ бош минбаридан туриб, дунё ҳамжамияти эътиборини мазкур масалага қаратди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари кўмитаси раисини сайлаш ҳамда мазкур Кўмита таркиби тўғрисидаги масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Кўмита раиси лавозимига сенатор Борий

Ботирович Алихоннинг номзоди тақлиф этилди.

Бундан ташқари, Суд-ҳуқуқ ва коррупцияга қарши курашиш кўмитаси раиси лавозимига ишлаб келаётган сенатор Ботир Джолдасович Матмуратовни Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари кўмитаси раисининг ўринбосари лавозимига ўтказиш тақлиф этилди.

Мажлисда Борий Ботирович Алихоннинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари кўмитаси раиси, Ботир Джолдасович Матмуратовни эса Кўмита раиси ўринбосари этиб сайлаш, шунингдек, Кўмита таркибини сайлаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмитаси раиси этиб сайлаш тўғрисида қарор қабул қилди.

Мажлисда сенаторлар Нариман Маджитович Умаровни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмитаси раиси этиб сайлаш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сўнгра «Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 майдаги

«Ўзбекистон Республикасида заргарлик тармоғини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони мазкур Қонунни тайёрлашга асос бўлган.

Мажлисда ушбу Қонун Сенат кўмитаси, тегишли вазирлик ва идоралар мутахассислари ҳамда экспертлар томонидан кўриб чиқилиши жараёнида унинг айрим моддалари қўйилган талабларга жавоб бермаслиги аниқланганлиги қайд этилди.

Сенаторлар мазкур Қонунни рад этиш бўйича қарор қабул қилди.

Шундан сўнг «Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Жамоат ҳавфсизлигини таъминлашга доир қонун ҳужжатлари янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари қизгин муҳокамалардан сўнг сенаторлар томонидан маъқулланди.

Ялпи мажлисда, шунингдек, қун тартибидида бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати (Қисқартирилган ҳолда эълон қилиняпти.)



Сирожддин САЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири

НАВОЙ ОСМОНДИР, ОСМОНИЙДИР

Навоий сенга ҳар бир тун керак бўлғай,
Агар шодсан ва ё маҳзун — керак бўлғай.

Агар ошиқ эурсан — лоззорингдир,
Агар Лайлосану Мажнун — керак бўлғай.

Агар уммон билан суҳбат курай дерсан,
Агар ўзни десанг Жайхун — керак бўлғай.

Билай дерсан надир кўнгул биноси ҳам
Надир одам, надир очун — керак бўлғай.

Навоий осмондир, осмонийдир,
У гардун ичрадир гардун — керак бўлғай.

Сенинг бу оламинг фиску фасод бирлан,
У бир оламдурур гулгун — керак бўлғай.

Навоийнинг Ватан янглиғ қиёси йўқ,
Ватан янглиғ сенга ҳар кун керак бўлғай.

БМТ маълумотларига кўра, ҳар куни сайёраимизнинг 840 миллиондан ортиқ аҳолиси тўйиб овқатланмаяпти. Оқибатда 160 миллиондан ортиқ болаларда бўй ўсиши, жисмоний ва интеллектуал ривожланиш билан боғлиқ камчиликлар кузатилмоқда.

НАРХ-НАВОНИНГ ЎСИШИДАН

кам даромадли аҳоли азият чекади

эса 26 фоизга ортган. Шакар нархи 5 фоизга камайишига қарамасдан, мамлакатда 23 фоизга қимматлаган.

Вақтида барча чораларни қўриб, амалдаги тизимни ўзгартирмасак, эртага қиш ва баҳор ойларида қийин бўлади. Озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириб, бозордаги нарх-навои арзон қилсак, одамларни, айниқса, кам таъминланганларни рози қила олишимизни таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган бирламчи талабини қондириш ва ички бозорда нарх-наво барқарорлигини таъминлаш кечиктириб бўлмайдиган долзарб вазифадир. Чунки озиқ-овқат маҳсулотларининг юқори нархлари, камбағаллар сони ошishi хавфи билан бирга, жиддий иқтимоий оқибатларни юзага келтириши мумкин.

Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Солиқ кодексига қўшимчалар киритиш ма

ҳасулотлар нархини барқарор сақлаш имкони янада ортади.

Айтиш керакки, юртимиз ноёб тупроқ-иклим шароитига эга. Қўёшли кунлар бир йилда ўртача 320 кун бўлади. Бу албатта, юқори сифатли мева ва сабзавотларнинг асосий навларини етиштириш учун қўлай имконият дегани. Демак, қишлоқ хўжалиги тармоқларини янада ривожлантириш, керак бўлса, уларни қўллаб-қувватлаш масаласи ҳар қачонгидан ҳам муҳим.

Тўғри, сўнгги уч йилда мамлакатимизда агросаноат мажмуаси соҳасида кенг қўлмалли ислохотлар ва сифатли ўзгаришлар амалга оширилди, замонавий институционал база яратилди. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси, Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш концепцияси ва бошқа ташкилий

ҳуқуқий чора-тадбирлар қабул қилинди.

Экин майдонларини оптималлаштириш ва қишлоқ хўжалиги экинларини ҳудудлаштириш сиёсати, кластер тизимини жорий этиш, балиқчилик, асаларичилик ва паррандачилик каби муҳим йўналишларни жадал ривожлантириш, замонавий иссиқхона хўжаликларини яратиш, сабзавот экинларини тақририй кузги экиш, томорқа хўжалиги амалиётини кенгайтириш нафақат ҳосилдорлиқни, балки қишлоқда аҳоли турмуш даражасини сезиларли даражада ошириш имконини берди.

Бироқ глобал хатарлар ортиб бораётган бир пайтда эришилган ютуқларда тўхтаб қолмаслик лозим. Агросаноат комплексини ривожлантириш ва мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини мустақамлаш бўйича ишларни давом эттириш муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш кўп омиллар билан боғлиқ. Айниқ-



саласини муҳокама қилдик. Пандемия даврида аҳоли ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, нархлар барқарорлигини таъминлаш мақсадида бир қатор маҳсулотларни қўшилган қиймат солигидан озод этилиши кутилмоқда.

Хусусан, 2021 йил 1 январгача Ўзбекистон Республикасига шакар ва шакар хомашёсини олиб кириш, уни реализация қилиш айланмалари, 2021 йил 1 июлгача Ўзбекистон Республикасига картошка, ўсимлик ёғи, гўшт (мол гўшти, қўй гўшти, товуқ гўшти ва бошқалар), ҳайвонларни (қорамол ва парранда) тирик ҳолда ва уларни сўйишдан олдинги маҳсулотларини олиб кириш, шунингдек, уларни реализация қилиш айланмаларини ҚҚС дан озод қилиш назарда тутилмоқда. Бу, албатта, ўсимлик ёғи, гўшт ва бошқа истеъмол маҳсулотларининг нархи пасайишига хизмат қилади.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза. Озиқ-овқат маҳсулотларининг 90 фоизига яқини аграр сектор тармоқларида тайёрланади. Шу жиҳатдан олиб қарасак, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш барчамизнинг эътиборимизда бўлиши лозим. Озиқ-овқат тақчиллиги юзага келмаса,

➤ **Маълум бўлишича, охирги вақтларда гўшт, тухум, ўсимлик ёғи ва шакар маҳсулотларининг нархи кескин ошган. Дунё бозорида ўтган 9 ойда ўсимлик ёғи 15 фоизга, Ўзбекистонда эса 26 фоизга ортган. Шакар нархи 5 фоизга камайишига қарамасдан, мамлакатда 23 фоизга қимматлаган.**

са, маҳсулот ишлаб чиқариш ва импорт қилиш даражалари оқилонга уйғунлаштирилишига, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни кўпайтиришга боғлиқ.

Аслида юртимизда озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган ички талабини тўлиқ таъминлаш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, даромадини кўпайтириш учун катта резерв ва имкониятлар мавжуд. Ана шу жиҳатларнинг ҳар бири тўлиқ инobatта олиниб, табиий ва иқтисодий ресурслардан унумли фойдаланилса, бу одамларга ҳам, давлатга ҳам катта фойда келтиради.

Худудларнинг мавжуд табиий ва иқтисодий имкониятларидан унумли фойдаланиш асосида озиқ-овқат саноатини ривожлантириш бўйича муҳим ва зарур чора-тадбирларни амалга ошириш зарур. Бунда биз, депутатлар ҳам фаол иштирок этишимиз, нарх-наво бўйича мунтазам равишда назорат-таҳлил ишларини олиб боришимиз талаб этилади.

Аваз ЎРИНБОЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
ЎзХДП фракцияси аъзоси.



Дунёда коронавирус пандемияси бошланганига ҳам ҳадемай бир йил бўлади. Ана шу даврда қўллаб соҳалар каби озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги тармоғи ҳам мураккаб вазиятга тушиб қолди. Чунки мамлакатлар ўртасидаги ўзаро aloқалар, хусусан, озиқ-овқат етказиб беришнинг глобал занжирини узатишлар рўй берди. Дунёнинг манаман деган ривожланган давлатлари ҳам аҳолининг муҳтож қатламини озиқ-овқат билан таъминлашда қўллаб муаммоларга дуч келди. Айримларида озиқ-овқат хавфсизлиги бозордаги сиёсат етарли эмаслиги яққол кўзга ташланиб қолди.


БМТ маълумотларига кўра, ҳар куни сайёраимизнинг 840 миллиондан ортиқ аҳолиси тўйиб овқатланмаяпти. Оқибатда 160 миллиондан ортиқ болаларда бўй ўсиши, жисмоний ва интеллектуал ривожланиш билан боғлиқ камчиликлар кузатилмоқда. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши аҳоли сони ва эҳтиёжлари ўсишидан орта қолмоқда.

Жаҳонда озиқ-овқат тақчиллиги хавфи ортиб бораётган бир пайтда мамлакатимизда нафақат ички талабини қондириш, балки ташқи бозорга озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш ҳажмини ошириш имконини берадиган муҳим ва зарур чора-тадбирлар амалга оширилаётганини айтиш ўринлидир. Сўнгги вақтларда юртимизда бу масалага ёндашув тубдан ўзгарди. Харажатлар стратегиясида ҳам озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳолига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳамда истеъмол товарларини узлуқсиз етказиб бериш, ички бозорда нарх-наволар сунъий кўтарилишининг олдини олиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланган.

Айниқса, бугун соҳани янада ривожлантириш, ички бозорни сифатли, хавфсиз ва арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдирish долзарб масалага айланди. Аҳолининг харид имкониятларини мустақамлаш, табиий ресурслардан барқарор фойдаланишга ҳам эътиборли бўлиш талаб этилади. Жорий йил аввалида бошланган пандемия шароитида аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини тўлиқ таъминлаш, нарх-наво кескин ўсишига йўл қўймаслик мақсадида Президентимиз ва Ҳукуматимиз томонидан қатор қарорлар қабул қилинди.

Куни кеча Президентимиз раислигида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва ички бозорда нарх-наво барқарорлигини сақлаш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Унда ички бозорни озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдирish, нарх-наво барқарорлигини сақлаш масалалари атрофича муҳокама қилинди. Эътибор берган бўлсангиз, йил бошидан буён бир неча марта бу масала қўриб чиқилди. Чунки озиқ-овқатга эҳтиёж ўсиб борса-ю зарур чоралар қўрилмаса, хусусан, ишлаб чиқариш ривожлантирилмаса, импорт маҳсулотлар кўпаяди, бу эса нарх-наво ўсишига олиб келади. Бундан биринчи навбатда кам даромадли аҳоли қатлами азият чекади.

Маълум бўлишича, охирги вақтларда гўшт, тухум, ўсимлик ёғи ва шакар маҳсулотларининг нархи кескин ошган. Дунё бозорида ўтган 9 ойда ўсимлик ёғи 15 фоизга, Ўзбекистонда



ҚИШЛОҚЛАРДА ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ЯХШИЛАНМОҚДА

Булуғур тумани халқ таълими бўлимига қарашли 32-умумий ўрта таълим мактаби 1983 йилда ташкил этилган. Мингтепа маҳалласидаги бу мактабнинг 160 ўринга мўлжалланган янги биноси 2008 йилда қурилган бўлиб, таълим даргоҳида 30 нафарга яқин педагог-ҳодим фаолият кўрсатади, 247 нафар ўқувчи сабоқ олади.

— Мактабимизда ўқувчилар сони бошқа мактабларга нисбатан кам бўлса-да, ўтган йили туман бўйича ўтказилган “Ёшлар ва қонун” мавзuidaги қўриқ-танловда 68 та мактаб ичиде биринчи ўринни эгалладик, — дейди мактаб директори Расул Санақулов. — Самарқанд вилояти бўйича эса 1200 та мактаб орасида 4-ўринни эгалладик. Ўқувчиларимизнинг бу қўриқ-танловда эришган

ютуқларида тажрибали педагог Дилмурод Намозовнинг ҳиссаси катта.

Мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Шоира Мамаева 2018 йилдан буён шу мактабда фаолият кўрсатади. У ўқитиш жараёнида ўқувчилар билан яқна тартибда ҳам иш олиб бориб, юқори натижаларга эришмоқда. Ўқувчилар билан очик дарслар ўтказишдан ташқари, коронавирус пандемияси карантини

даврида онлайн дарс ўтишни ҳам яхши ўзлаштириб олди.

Мактабда ўқувчилар учун 14 та фан тўғраги, тилшунослик, адабиётшунослик, математика, дастурчилик ҳамда турли спорт тўғраклари фаолият юритмоқда. Мактаб директори Расул Санақулов 2014 йилдан математика ўқитувчиси сифатида иш фаолиятини бошлаган. Ўзининг ташкилотчилиги, ғайрат-шижоати туфайли 2018 йилда директорлик вазифасига тайинланди. Шу давр мобайнида у Абдулла Авлоний номидаги малака ошириш институтида малакасини ошириб қайтди.

— Карантин даврида мактабда санитария-эпидемиологик талаблар асосида иш олиб боришмоқда, — дейди мактаб директори Расул Санақулов. — Мактабнинг кириш

жойларида масофа сақловчи чиқишлар қилинган, кириш-чиқиш йўлаклари алоҳида. 1-4-синф ўқувчилари битта эшикдан кириб-чиқади. 5-11-синф ўқувчилари эса бошқа алоҳида эшикдан мактабга кириб-чиқади.

Мактабга тиббиёт ходими бериштирилган бўлиб, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг тана ҳарорати ўлчаб борилади. Раҳбарият томонидан ота-оналар билан пандемия тўғрисида суҳбатлар ўтказилиб, санитария-гигиеник қоидаларга қандай риоя қилиш кераклиги тўғрисида тушунтириш ишлари олиб бориляпти.

Мактабнинг иситиш тизими 2020-2021 ўқув йили учун қайта таъмирланди ва куз-қиш мавсумига шай ҳолатга келтирилди. Мактаб-

нинг иситиш тизими, қозонхоналар ёнғинининг олдини олиш бўйича хавфсизлик назоратидан ўтказилиб, ижобий ҳулоса олинди. Бу жойлар маҳаллий идоралар билан ҳамкорликда текширишдан ўтказилиб, улар ёнғинга қарши воситалар билан таъминланди. Синф деразалари ва эшик ойналари қўриб чиқилиб, сингланлари алмаштирилди. Кўмир ва ўтинга мўлжалланган қозонхона қиш мавсумига тайёрлаб қўйилди, қуруқ ўтин ва кўмир захиралари яратилди.

Мактабда стол-стуллар, синф доскалари, синф поллари таъмирланиб, техник воситалар билан таъминланди.

Телеграм орқали онлайн дарслар учун синф раҳбарлари томонидан синфлар кесимида гуруҳлар ташкил этилган. Синф раҳбарлари ота-оналар билан ҳамкорликда онлайн дарсларни назорат қилиб бормоқда. Ўқувчилар учун эфирга узатиладиган телевизион кунлик дарс жадвали синф гуруҳларига бериб борилади. Асосий вазифа — ўқувчиларга чуқур билим бериш.

Санжар АСТАНОВ



ДУНЁ УЗРА ЖАРАНГЛАЙДИ ОНА ТИЛИМ

Она тилимизнинг бугунги халқаро мавқеига қарайдиган бўлсак, расмий тил мақомига эга 200 га яқин давлат ёки дунё тиллари қаторида жаҳон аҳолисининг йирик қисми сўзлашадиган 40 та тиллардан биридир. Ўзбек тилшунос олими А.Абдуазизовнинг тадқиқотлари натижасига кўра, тилимиз мазкур рўйхатда 34-ўринни эгаллаган. 50 миллиондан ортиқ одам ўзбек тилида сўзлашади, ўзбек ва туркий тилларда сўзлашадиган 200 миллиондан ортиқ ватандош ва қардошларимиз бор.

Дунёда ЮНЕСКО томонидан тиллар жозибаторлигини сақлаб қолишга долзарб муаммо сифатида қаралади. Шунинг учун 21 февраль — Халқаро она тили байрами сифатида нишонланади. 2018 йил БМТ Бош Ассамблеяси томонидан “Халқаро тиллар йили” деб эълон қилинган эди.

Ҳеч кимга сир эмаски, бугун мана шу муқаддас тилни, замин ва тупроқни бизга Ватан, қадрият, бебаҳо бойлик сифатида қолдирган аجدдоларимизнинг, миллий қаҳрамонларимизнинг руҳлари шод бўлмоқда. Жаннатмакон юртимизда унутилиб кетган айрим қадриятларимиз яна қадр топлмоқда, барча эзгу ва хайрли ишлар юртдошларимизни, қўшниларимизни ҳамда дунё халқларининг бахтли яшашига, дунёда азизу муқаррам бўлишига қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2020 йил 10 апрелда имзоланган Қонунга кўра, 21 октябрь — Ўзбек тили байрами деб эълон қилинди. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлигининг 30 йиллиги муносабати билан 2019 йил 21 октябрда “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” Президент Фармони давлат тили сиёсатининг жадаллашувига сабаб бўлди.

Фармон асосида ҳукумат қарори билан вазирлик, идоралар ва ҳокимликларда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимини жорий этилиши, қолаверса, Вазирлар Маҳкамаси таркибида Давлат тилини ривожлантириш Департаменти фаолият бошлаши Она тилимизнинг давлат тили ва сиёсий тил даражасини юксалтирди.

Шу ўринда Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Ориповнинг “Ўзбек тилим” шеърини иқтибос келтиришни лозим топдим:

Сен туганмас чашмадирсан, оҳ, она тилим,
Етмиш икки томиримга мавжларинг борди.
Бир кун тиниб қолган эди Богда бўлбулим,
— Сандувочим! — деган эдим сайраб юборди.

Ўз она тилини эъзозлаш, севиш ватанпарварлик ва миллатпарварлиқнинг ажралмас бир бўлаги бўлиб, унинг замирида ўлиқни англаш, яъни ота-она, халқ, устозу пирлар берган ном, илм-тарбия ва она тилига ҳурмат ётади. Ватанпарварлик, миллатпарварликни баландпарвоз гаплар, гурур ёки ютуқларни олқишлаш билан исботлаш керак эмас. Балки, она тилини бошқа тиллар таъсиридан муҳофаза қилиш, истилоҳларни ўзбекчалаштириш, мулоқотларни она тилида олиб бориш, нутқда тилнинг жозибаторлигини кўрсатадиган, нуфузини оширадиган сўзларни ишлатиш орқали ҳисса қўиш керак. Ҳар бир фуқаро қандай даврда бўлмасин, имкон даражасида ўз давлат тилига мулоқот қилишни, иш юритишни, ҳаттоки, дипломатик aloқаларни амалга оширишни миллатга ҳурмат, аждодларимизга эҳтиром, келажакка умид, керак бўлса, муқаддас ибодат ўрнида қабул қилиши билан исботлаши муҳим.

Алишер Навоий бу масалада барчага ўрнак бўлиб, ўзбек тилининг имкониятларини ниҳоятда усталик билан самарали қўллаган бўлса, Амир Темур салтанатида иш юритиш, дипломатик ва сиёсат тили ҳам она тили — эски ўзбек тилида олиб борилганлигига тарихнинг ўзи гувоҳ. Бундай оқилонга тил сиёсати амалга оширилиши натижасида илм-фан, адабиёт ва санъат, ташқи савдо aloқалари, сайёҳлик ривожланиши орқали тилимиз ҳам гуллаб-яшнади.

Жарангинг боқий бўлсин, азиз она тилим!

Ҳабибулла АЗИЗОВ,
Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раисининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси.

Бозорларимиздаги «Элга хизмат» расталарида сотилаётган мол гўшти сифатига истеъмолчилар эътироз билдиришмоқда...

Мавзуга қайтиб

Мамлакатимиз деҳқон бозорларидаги нарх-наволар



Газетамизнинг ўтган ҳафтадаги 14 октябрь 36-сонига мамлакатимиз деҳқон бозорларидаги нарх-наволар эълон қилинган эди. Худудлардаги мухбирларимиз ва партиямиз фаоллари иштирокида ўтказилган ўрганишлар айрим озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари нархи ростдан ҳам ошганини кўрсатди. Бу масалага ижтимоий тармоқларда ҳам муносабатлар билдирилмоқда.

2020 йил 16 октябрь куни Президентимиз озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва ички бозорда нарх-наво барқарорлигини сақлаш чора-тадбирлари юзасидан ўтказган видеоселектор йиғилишида озиқ-овқат хавфсизлиги ва нарх-навоси билан боғлиқ бугунги ҳолатни чуқур таҳлил қилди, бу борада амалга оширилиши зарур бўлган наватбадаги вазифаларни белгилаб берди. Коронавирус пандемиясининг нарх-навога таъсири инobatта олиниб, жорий йил апрель ойидан бошлаб, асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари импорти божхона тўловларидан озод қилинганига қарамай, охири вақтларда гўшт, ўсимлик ёғи, шакар ва туҳумнинг нархи ошгани қайд этилди. Дунё бозорига ўтган 9 ойда ўсимлик ёғи 15 фоизга, Ўзбекистонда эса 26 фоизга ортган. Шакар нархи 5 фоизга камайишига қарамасдан, юртимизда 23 фоизга қимматлаганини таъкидлаб ўтган.

«Бугундан барча чораларни кўриб, амалдаги тизимни ўзгартирмасак, эртага қиш ва баҳор ойларида қийин бўлади, — деди Президент. — Озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириб, бозордаги нарх-навои арзон қилсак, одамларни, аиникса, кам таъминланганларни рози қила оламиз».

Бир сўз билан айтганда, йиғилишда ички бозорни озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш, нарх-наво барқарорлигини сақлаш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Биз аънанани давом эттириб, бу ҳафта, ўтган яшанба — душанба кунлари ҳам (18-19 октябрь) марказий деҳқон бозорларидаги ўртача нарх-навои ўргандик. Ўрганиш жараёнида маълум бўлдики, бу ҳафтада бозорларимиздаги қишлоқ ҳўжалиги ва сабзавот маҳсулотлари ўртача 300 сўмдан 500 сўмгача кўтарилган бўлса, гўшт маҳсулотлари эса 3 минг сўмдан 5 минг сўмгача қимматлашганлигини кузатиш мумкин. Тўғри, бозорларимиздаги нарх-наво кескин ошиб кетишининг олдини олиш мақсадида «Элга хизмат» расталари ташкил этилган. Уларда кундалик эҳтиёжимиз учун зарур маҳсулотлар маъқул нархларда сотилмоқда. Масалан, мол гўшти 45 минг сўмдан 48 минг сўмгача. Аммо, истеъмолчилар бу гўшларнинг сифатига эътироз билдиришмоқда. Демак, муаммо борга ўхшайди, эътибор қаратилиши керак бўлади.



Худудлар	Қўй гўшти (1 кг) сўм	Мол гўшти (1 кг) сўм	Гуруч (Аланга) (1 кг) сўм	Картошка (1 кг) сўм	Пиёз (1 кг) сўм	Сабзи (1 кг) сўм	Шолғом (1 кг) сўм	Шакар (1 кг) сўм	Туҳум (1 дона) сўм	Балиқ (Толстолоб) (1 кг.) сўм	Пахта ёғи (1 литр) сўм	Ўсимлик ёғи (Кунгабоқар) (1 литр) сўм
Қорақолпоғистон Республикаси (Нукус деҳқон бозори)	55000-60000	60000-65000	10000	3500-4500	2000-2500	2000-2500	3000	7000	1000-1200	30000-35000	14000-15000	15000-16500
Андижон вилояти (Марказий деҳқон бозори)	70000	55000	9000	3500-4500	2000	1500-2000	2500	7500-8000	800-1200	10000	12000	13000-15000
Бухоро вилояти (Марказий деҳқон бозори)	60000	58000-60000	7000-9000	4000	2000	2500	3000	7500	1300	35000	15000	14500-15000
Жиззах вилояти (Марказий деҳқон бозори)	58000-63000	55000-60000	8000-16000	3500-4000	1500-2000	2000-3000	2000-2500	7500-8500	1100-1200	8000-10000	12500-13000	14000-15000
Қашқадарё вилояти (Шахрисабз — Кеш деҳқон ва озиқ-овқат бозори)	65000	58000	8000-9000	3500-4000	2000-2500	1500-2000	2000-2500	6500-7000	1100-1200	17000-20000	14000	15000
Навоий вилояти (Марказий деҳқон бозори)	65000	58000	8000-9000	3500-4000	2000-2500	1500-2000	2000-2500	6500-7000	1100-1200	17000-20000	14000	15000
Наманган вилояти (Чорсу деҳқон бозори)	65000-68000	48000-65000	8000-16000	3500-4000	1500-2000	1800-2000	2500-3000	7500-8000	1100-1200	11000-13000	14000-14500	14500-15000
Самарқанд вилояти (Сиеб деҳқон бозори)	63000-65000	55000-63000	9000-10000	3500-4000	2000	2000	2500-3000	7000-80000	1200	18000	14000	15000
Сурхондарё вилояти (Денов бободеҳқон бозори)	65000	55000	9000-10000	3500-4000	2000	3000-3500	3000	8000	1000-1200	25000	13000	14500
Сирдарё вилояти (Гулистон деҳқон бозори)	65000	52000	8000-10000	3500-4000	1500-2000	1500-2000	2000-2500	7500-8000	900-1200	10000-12000	12500-13000	14000-15000
Тошкент вилояти (Паркент деҳқон бозори)	65000-70000	55000-60000	9000-10000	3500-4000	2000	2000	2000	6500	1100-1200	18000-20000	13000	13000
Фарғона вилояти (Фарғона деҳқон бозори)	65000-75000	55000-60000	10000-12000	4000 сўм	2000 сўм	2500-3000	3000-4000	8000-9000	1100-1200	17000	15000	14000
Хоразм вилояти (Урганч деҳқон бозори)	65000	45000-60000	8000-9000	4500	2500	1800-2000	2000	7500	1200-1300	30000-35000	14000	16000
Тошкент шаҳри (Фарҳод деҳқон бозори)	70000-72000	58000-60000	9000-10000	4000-4500	2000-2500	2000-2500	4000	5800-8000	1000-1200	18000	11500	15000
Тошкент шаҳри (Юнусобод деҳқон бозори)	65000	58000-60000	10000-12000	3500-4000	1600	1800-2000	3000	5800-8000	900-1100	20000-21000	13000	15000
Тошкент шаҳри (Чорсу деҳқон бозори)	60000-73000	55000-72000	9000-13000	2700-3800	1700	2500	4000	5800	900-1200	18000	11500	12000-15000
Тошкент шаҳри (Аския деҳқон бозори)	60000	55000-60000	10000	3800-4500	1800-2000	2500-3000	3500-4000	5800	1100-1300 сўм	15000	14000	15000

Бозорлардаги нархлар худудлардаги мухбирларимиз ва партиямиз фаоллари томонидан ўрганилди. Бундан буён ҳам мамлакатимиз деҳқон бозорларидаги ўртача нарх-навои ўрганишда давом этамиз.

Долзарб мавзу борасида мулоҳаза

КОРОНАВИРУС: ФУҚАРОЛАРНИ ЁППАСИГА ТЕСТДАН ЎТКАЗИШ ВАҚТИ КЕЛМАДИМИКАН?

Бугунга келиб, коронавирус пандемияси республикамызда жиддий тус олаётганини кўриб-билиб турибмиз. Жорий йилнинг 21 октябрь кунги маълумотларга кўра, ушбу вирусни юқтирганлар сони 64010, соғайганлар 61068, вафот этганлар эса 534 нафарни ташкил этмоқда. Бу рақамлардан кўриниб турибдики, вирусни юқтирганлар сони кундан-кунга кўпайиб бормоқда.

Қолаверса, яқинда ижтимоий тармоқларда Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Абдуҳаким Ҳожибоевнинг Загиютадаги махсус шиғоҳона ходимларини қаттиқ танқид қилган аудиоёзуви тарқалди. Унда шундай гаплар ҳам айтилган: “Коронавирусдан ҳар кун и бир нечта одам ўляпти”. Бундан билиш мумкинки, бу кўринмас ёв билан жиддий курашишимиз талаб этилади. Чунки, бекорга кўринмас душман, маккор душман, дейилмаяпти. Агар кўринадиган ёв бўлганида, уни аллақачон бартараф этган бўлардики.

Бу чегара билмас душман бутун дунёни хавф-хатарга солмоқда. Хусусан, сўнгги ҳафтада дунёнинг бир қатор давлатларида, жумладан, Европа мамлакатларида коронавирус билан касалланганлар сони янада ортди. Бу давлатларда карантин чекловлари қайтадан жорий этилиши мумкинлиги тўғрисида маълумотлар эълон қилинмоқда.

Мамлакатимизда бу бало-қазога қарши кескин чоралар кўриляётганига қарамай, аҳвол ташвишли тус олмоқда. 19 ок

тябрдан бошлаб Тошкент шаҳар жамоат транспорти (автобус, метро, йўналишли такси) хизматидан фойдаланганда йўловчиларнинг тиббий никоб билан бирга тиббий қўлқопда бўлиш тартиби жорий этилди. Ҳар бир йўловчи бир кунда ўртача 20-30 дақиқани транспортда ўтказди. Шу даврда йўловчиларимизга чиптачилар, ҳайдовчилар ҳамда метродаги касса ва метро операторлари томонидан бир марталик бепул қўлқоплар тарқатилмоқда. Мақсад — йўловчиларни асраш, корона-вирус аҳоли орасида кенг тарқалишининг олдини олиш.


Бугунги кунда давлат ва жамоат ташкилотларида меҳнат қилаётган ходимлар коронавирус инфекциясига қарши тест таҳлилидан ўтказилмоқда. Республика-мизнинг барча туман, шаҳарларидаги санитария-эпидемиологик осийишталик марказларида фуқароларимиз учун ко-ронавирус инфекциясига қарши тест топширишда узундан-узoқ навбат кутиш-лар бўлмоқда, бу ҳам етмагандек тонг шакар соат 04 дан навбатга ёзилиш керак, деган гап-сўзлар бўлаётганлиги боис, биз бу миш-мишлар қанчалик ҳақиқатга яқин эканлигини аниқлаш мақсадида пойтахти-миздаги бир нечта туман санитария-эпи-демиологик осийишталик марказларида

бориб, асл ҳолатни ўрганишга ҳаракат қилдик.

Шундай қилиб, тонг шакар соат 04 да Чилонзор туман санитария-эпидемиологик осийишталик марказига бордик. Борсак, ҳеч ким йўқ. Демак, тонг шакар соат 04 дан навбатга ёзилиш кераклиги тўғрисидаги гап-сўзлар ўз исботини топмади. Шундан сўнг Учтепа туман санитария-эпидемио-логик осийишталик марказига бордик. У ерда ҳам ҳеч ким йўқ. Тонг отишини кутиб, Чилонзор туман санитария-эпидемиологик осийишталик марказига қайтиб бордик. Соат 8:00 дан бошлаб ходимлар ишга кела бошлади. Коронавирусга қарши тест топшириш учун фуқаролар ҳам ўша вақтдан бошлаб кела бошлади. Шу тариха фуқаро-лар бирин-кетин коронавирус инфекция-сига қарши тест топширдилар. Бирпасда бизнинг навбатимиз ҳам келиб қолди. Ҳа, айтганча, биз журналист сифатида эмас, балки оддий фуқаро бўлиб тест топшираёт-ган вақтимизда шиғоқорини гапга солдик.

Сўхбат давомида шу нарсa маълум бўлдики, коронавирус инфекциясига қарши тест топширувчи фуқаролар сони кунига 120-150 нафарни ташкил қилар-кан. Жавоби эса эртаси куни чиқар экан. Бундан ташқари, иситмаси кўтарилган фуқароларнинг уйларига борилар экан. Бу каби қақирувлар кунига 40-50 тани ташкил қиларкан. Фуқаролар учун тест топшириш ва унинг жавобини олишгача бўлган жа-раёнларнинг барчаси бепул.

Бироқ коронавирус инфекциясига қар-ши тестнинг жавобини олишда муаммога дуч келдик. Тест жавобини олиш учун Чи-лонзор туман санитария-эпидемиологик осийишталик марказига борганимизда 20 нафарга яқин одам тўпланиб, тест жа-вобини тарқатишга масъул бўлган марказ хо-димаси билан баланд овозда тортишаёт-ган экан. Фуқароларнинг гап-сўзларидан маълум бўлдики, улар эрталаб соат 8:30



Иккинчи томондан эса касаллик тарқалиб бормоқда. Чунки, ўзи хоҳлаб келганлар тестдан ўтказилмоқда, келмаганлари-чи? Бугун фуқароларимиздан неча фоизи бир марта ҳам тестдан ўтмаган? Қишлоқ туманлардаги ҳақиқий аҳвол қандай? Аҳоли учун маълум бир муддатда ёппасига тиббий текширувни белгилаб ўтказилмаса, инфекция тарқалиши хавфи юқори бўлаверади.

да келишган. Жавобни тарқатишга масъ-ул ёши 50 лардан ошган аёл соат 9:10 ларда иш фаолиятини бошлабди. Бунинг устига, орадан 20 дақиқа ўтса-да, тиббиёт ходимаси 20 нафарга яқин фуқарога тест жавобини топиб беролмаётган экан. Шовқин-сурондан кейин тиббиёт хо-ди-

масига икки нафар ёш ҳамшира ёрдамга келди. Улар узoғи билан 8-10 дақиқа ичида барчанинг тест жавобини топиб берди ва навбат ҳам тугади. Демокчимизки, мана шундай жойларга овқ-қўли чақон, масъ-улиятли ходимлар кўйилса, норозиликлар келиб чиқмайди. Бошқа айрим туманларда ҳам бундай ҳолатлар бўлаётгани тўғриси-даги гап-сўзларни эшитганимиз.

Яна бир муаммо ҳақида ҳам айтиб ўтиш керак. Туманлар санитария-эпиде-миологик осийишталик марказларидаги телефон қўнғироқларига жавоб берадиган ходимлар масъулиятини ҳам ошириш керак. Ахир, уларга соғлиғидан шикоят и бор инсон қўнғироқ қилади. Афсуски, бу қўнғироқларга кўпинча туман санитария-эпидемиологик осийишталик марказлари-дан жавоб бўлмас экан.

Бу борада ҳам биз кичикроқ текширув ўтказдик. Яъни, Чилонзор (71) 278-50-78, (71)278-29-41, Учтепа (71) 217-22-79, (71) 212-22-81 ҳамда Миробод (71) 283-36-21, (71) 283-45-20 туман санитария-эпидемио-логик осийишталик марказларидаги ушбу телефонларга қўнғироқ қилдик, аммо ҳеч ким жавоб бермади. Қайси кун ва вақтда қўнғироқ қилганимиз тўғрисидаги маълум

мотларни ўзимизда сақлаб қўйганмиз.

Бундай катта-кичик масалалар ях-шиликка хизмат қилмайди. Шундоқ ҳам ташвишли бўлиб турган вазиятни янада кескинлаштиришга хизмат қилади. Ик-кинчидан, назаримизда, муҳим масала — фуқароларни тест таҳлилидан ўтказиш билан боғлиқ. Бир томондан тестдан ўтқа-зиляпти, вирус юқтирганлар даволанаяпти. Иккинчи томондан эса касаллик тарқалиб бормоқда. Чунки, ўзи хоҳлаб келганлар тестдан ўтказилмоқда, келмаганлари-чи? Бугун фуқароларимиздан неча фоизи бир марта ҳам тестдан ўтмаган? Қишлоқ ту-манлардаги ҳақиқий аҳвол қандай? Аҳоли белгиланган маълум муддатда ёппасига тиббий текширувдан ўтказилмаса, инфек-ция тарқалиши хавфи юқори бўлаверади.

Бир сўз билан айтганда, аҳолини ёп-пасига коронавирус инфекциясига қарши тестдан ўтказиш керак. Бунга давлати-мизнинг имконияти етади, деб ўйлаймиз. Соғлиқни сақлаш вазирлиги бу борада ўзининг қатъий позициясини билдиради, деган умиддамиз.

Тоштемир ХУДОЙКУЛОВ,
“Ўзбекистон овози” мухбири.

Боғдорчилик билан азал-азалдан маълуму машхур бўлган Ургутнинг узуми, майизи чет элларда ҳам жуда харидоргир.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

ҲАРАКАТНИНГ БАРАКАСИ

Ургутликлар ҳақида гап кетганда, улар тадбиркор, ғайратли, ишбилармон инсонлар сифатида эътироф этилади. Чиндан ҳам бу замин аҳли табиатан ишнинг кўзини биладиган инсонлар бўлиб, ҳалол меҳнати ва тинимсиз ҳаракати билан рўзгорини обод, турмушини фаровон қилиб келмоқда. Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, тумандаги ҳар бир қишлоқ ўзига хос анъаналари, турмуш тарзи билан ажралиб туради. Масалан, ғўсликлар хунараманд, испанзаликлар тадбиркорлиги туфайли ном қозонган.

Одамлар ўзаро суҳбатларда: "Дунёнинг қайси давлатига борманг, испанзалик тадбиркорларни учратасиз", дейишди ҳазил аралаш. Аслини олганда бу гапда жон бор. Чунки Ургутдан унча ҳам узоқ бўлмаган бу қишлоқ аҳли азал-азалдан савдо-сотиқ билан шугулланиб келган. Айни пайтда бу ерда тадбиркорлик чин маънода ривож топган. Шу боис ҳам испанзаликлар орасидан катта-катта ишбилармонлар етишиб чиққан бўлиб, улар нафақат мамлакатимиз, балки чет давлатларда ҳам самарали тадбиркорлик қилишмоқда. Масалан, улар мевалар савдоси билан кўплаб давлатлардаги бозорларни эгаллаб боришмоқда.

— Халқимизда "ҳаракатда баракат" деган гап бор, — дейди шу қишлоқлик Ҳалим Мўминов номли агрофирма раиси Эгамберди Мустафоев. — Бу

гапнинг нечоғли ҳаётини испанзаликлар мисолида кўриш мумкин. Мақтанишга йўймангу, қишлоқдошларим ўзининг ҳаракати ва меҳнати орқасидан ризқини топиб, баракасини кўпайтираётган инсонлардир. Агрофирма-мамиз эришяётган натижаларида ҳам шу нарсани кўришингиз мумкин. Биз бир оила аъзоларидек бўлиб аҳилликда меҳнат қилиб, ҳар бир дақиқадан, ҳар бир қарич ердан ва имкониятдан самарали фойдаланишга ҳаракат қиламиз. Яратганга шукр, бунинг натижа-сида юзимиз доим ёруғ.

Эгамберди аканинг гапларини тинглар экансиз, Соҳибқирон Амир Темури бобомизнинг: "Азми қатъий, тадбиркор, ҳушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тадбирсиз, лоқайд кишидан яхшироқдир", деган ҳикматли сўзларини

эсга олсиз ва беихтиёр испанзаликларга қийслайсиз.

— Агрофирма-мамиз умумий ер майдони бир минг эллик гектар бўлиб, кўп тармоқли, — дейди Эгамберди ака. — Асосан боғдорчилик, чорвачилик, шунингдек, пиллачилик билан шугулланамиз. Бу йил пилла етиштириш режасини ортиги билан бажардик. Агрофирма қошида 57 та фермер хўжалиги бўлиб, 628 гектар ерни узумчилик учун ажратганмиз. Яна 26 гектарда бошқа турли мевали дарахтлар экилган боғлар бор. Қолган ерлар лалми бўлиб, бу ерларда чорвачиликни ривожлантирялмиз. Боя айтганимдай, қишлоқдошларим, расмий тилда айтганда, аъзоларимиз жуда ҳаракатчан, меҳнатсевар. Дейлик, "Қо-биллов Нурулла" фермер хўжалигининг раҳбари бўлган Ёқубжон Нуруллаевни олайлик. Ёқубжон 13 йилдан буён Қўзича қишлоғи атрофидagi тоғли-адирли лалми ерларни ўзлаштириш учун тинимсиз ҳаракат қилади. У бу ерларда чорвачилик билан боғдорчиликни ривожлантириш учун томчилашиб сугориш йўли билан узумчиликни кенг йўлга қўйди. Шовуллаб турган ёнғоқзорга қараб ҳавасингиз келади. "Адхамов Шаҳзод" фермер хўжалиги раҳбари Воҳиджон Нуруллаев билан доимо ҳамфикрликда иш юритиб, мана шундай кўзга кўринадиган натижаларга эришяпти. Улар 20 нафар кишини доимий иш билан таъминлагани бир қувонарли жиҳат бўлса, энг сара харидоргир майизларни етиштириб экспорт қилаётгани ҳам яна бир қувонарли ҳолатдир.

Боғдорчилик билан азал-азалдан маълуму машхур бўлган Ургутнинг узуми, майизи чет элларда ҳам жуда харидоргир. Суҳбатдошимизнинг айтишича, кластерларнинг ташкил қилинаётгани ҳам қўтилган натижа беришмоқда. Агрофирма қошидаги фермер хўжалиқларидан бири бўлган "Наим Диёрбек"ка қарашли кишииш узумзорларидан етиштирилган 400 тоннадан ортиқ майиз Туркия, Украина, Озарбайжон каби давлатларга юқори нархларда экспорт қилинган.

— "Испанза оқ кишиишлари" фермер хўжалиги раҳбари Икром Ибоев томонидан шу пайтга қадар 130 тонна, кластер



аъзоси Бекзод Бодомов томонидан 110 минг долларлик мева экспорт қилинди, — дейди Эгамберди ака. — Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Фаолиятимиз давомиди узумчилик ва боғдорчиликни ривожлантиришда асосан сархил, экспортбоп меваларни етиштиришга ва қайта ишлашга эътибор бераётганимиз айниқса, қўтилган натижани берапти.

Эгамберди аканинг ўзи ҳам суяги меҳнатда қотган инсонлардан. Испанза қишлоғининг Жайратепа маҳалласида туғилган бу инсоннинг отаси Раҳмонберди ака агроном бўлган. Ишдан ташқари боғдорчилик, чорвачилик билан шугулланган. Онаси Фароғат ая эса каштадўзликни йўлга қўйиб, кўплаб инсонларга хунар ҳам ўргатар эди.

— Оиладаги беш нафар фарзанднинг каттасиман, — дейди Эгамберди ака. — Самарқанд қишлоқ хўжалиги техникуми-ни тугатганман. Бундан 27 йил муқаддам

шу ерларда механизатор бўлганман. Турли йилларда турли ишларда ишладим, бош муҳандис ҳам бўлдим. Умуман олганда, қишлоқ хўжалиги ҳаётимнинг, фаолиятимнинг асосини ташкил қилади. Ҳозир фарзандларим Шаҳобиддин, Шухратжон, Равшаной, Ойдинойлар ҳам шу соҳага меҳр қўйиб, ҳеч кимдан кам бўлмаяпти.

Эгамберди ака 2015 йилдан буён агрофирмада ишни тўғри ташкил қилиб, катта-кичикнинг кўнглини олиб, юзи ёруғ бўлиб келмоқда. Ражабали Нуров, Баҳодир Муҳиддинов, Норим Ҳамдамов, Ғулом Эсонов, Акрамжон Муродов, Расулжон Ҳайдаров, Асқарали Раҳимов, Орифжон Ашуров, Ҳошимжон Гадов, Ботирали Ҳамраев, Мансур Маҳмадмуродов, Сайфиддин Аминов, Омонжон Ҳаққулов каби қадрдон ҳамқишлоқлари Эгамберди акага доимо ҳамфикр, ҳам-маслак.

— Менга ишда ҳам, ҳаётда ҳам кўп нарсаларни ўргатган устозларим Сайид-

қул Рустамов ва Мансур Мардиевнинг берган ўғитларига, тажрибаларига амал қилишга ҳаракат қиламан, — дейди суҳбатдошимиз. — Бу инсонлар нафақат Испанза ёки Ургут, балки Самарқанд вилоятининг қишлоқ хўжалиги учун ҳам муносиб ҳисса қўшган. Чунки улар чин маънода шу соҳанинг фидойи одамлари эди.

Бугунги кунда 57 ёшни қарши олаётган Эгамберди Мустафоевнинг режалари катта. Ўзи раҳбарлик қилаётган агрофирманинг фаолиятини янада кенг йўлга қўйиш учун янги истиқболли режаларни тузмоқда. Удан энг яхши экспортбоп қўчатларни топиб экишдан тортиб наслии чорва молларининг сонини кўпайтириш, асаларичиликни ривож-натиришдан экспортни тўғридан-тўғри йўлга қўйишга бўлган эзгу мақсадлар ўрин олган.

Ойгул РАЗЗОҚОВА, журналист.



25 ОКТЯБРЬ — ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ



Шарафли ва машаққатли хизмат

Тинчлик — ер юзидаги энг улуг ва бебаҳо неъмат. Ички ишлар идоралари ходимлари зиммасига ана шу улуг неъматни асраш, фуқаролар хотиржамлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, содир этилганларини фош этиш сингари вазифалар юклатилган.

Пойтахтимизнинг Учтепа тумани ИИО ФМБ жамоат тартибини сақлаш бўлими бошлиғи подполковник Бахтиёр Мисировни "Фарҳод деҳқон бозори" ҳудудига учратдик. У ходимлар билан навбатдаги вазифалар тўғрисида суҳбат ўтказётган экан.

— Бозор ҳудудига карантин қоидаларига риоя этилишини таъминлаш, белгиланмаган жойда савдо қилмаслик, фуқароларнинг ўзаро хушмуомала бўлишга қорлаш буйича суҳбатлар ўтказаялмиз, — дейди 7-сон ИИБ ХПБ профилактика катта инспектори Маҳмуд Фозилов. — Қўрилаётган чораларнинг барчаси ҳуқуқбузарликларнинг, турли хил кўнгилсизликларнинг олдини олишга қаратилган. Шу ўринда айтишим керакки, бугун аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданияти анча юксалган. Бу эса жамоат тартибини сақлашда муҳим аҳамиятга эга.

Равшан ШОДИЕВ, "Ўзбекистон овози" муҳбири. Суратда: подполковник Бахтиёр Мисиров, Маҳмуд Фозилов шоғирдлари билан.

Тошкент давлат шарқшунослик университети жамоаси Шарқ мамлакатлари сиёсати ва халқаро муносабатлар кафедраси профессори Назокат Қосимовага отаси — Шарқ мамлакатлари сиёсати ва халқаро муносабатлар кафедраси собиқ профессори Анвар ҚОСИМОВнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Агробанк АТБ жамоаси банкнинг масъул ходими Хилола ХАЛИКОВАнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

РЕКЛАМА

ЗАВОД «KRANTAS»

производит и реализует под заказ:



- Бензовозы — 4, 8, 10, 12, 16 м3.
- Водовозы — 4, 8, 12 м3.
- Вахтовые автобусы 4x4 — 22 мест, 6x6 — 26 мест.
- Комбинированные поливомоечные машины — 4, 8 м3.
- Кислотовозы — 6, 8, 10 м3.
- Автогудронаторы — 6, 8 м3.
- Полуприцепы: бензовоз, самосвальный, бортовой, контейнеровоз.

ГАРАНТИЯ 1 ГОД

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.

E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS:



O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV

Qalandar ABDURAHMONOV

Hayotxon ORTIQBOYEVA

Ulug'bek VAFOYEV

Guliston ANNAQILICHEVA

Toshtemir XUDOYQULOV

Mahmud TOIR

Muslihiddin MUHIDDINOV

Qabulxona — (71)233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — (71)233-12-56

Reklama va e'lonlar uchun — (71)233-47-80, (71)233-38-55

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1051. 1793 nusxada bosildi. Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni —

Topshirilgan vaqti — 23:55.

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Toshtemir XUDOYQULOV Sahifalovchi-dasturchi: Bekzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7639



Газетанинг электрон савдасига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

1 2 3 4 5